

## Девиант Хулқ-Атвор Муаммосининг Ўрганилиши Ижтимоий Психологик Муаммо Сифатида

Ашуров Азизбек Илхомович

Осиё халқаро университети “Педагогика ва психология” мутахассислиги 1 курс магистранти

**Аннотация:** Ўсмирларда ижтимоий оғишиш ва унинг сабабалари ҳақида фикр юритилади. Булар шахс хусусиятлари, муаммоли ҳолат ва ижтимоий назорат соҳалари билан боғлиқ, яъни шахс хусусиятларининг шаклланишида асосан учта омил муҳим аҳамият касб этади, булар: ирсий омиллар; психофизиологик омиллар; шахсининг билим даражаси, муаммоли вазият шундай ҳолатки, у субъектдан ечимини талаб қилади, унинг ечими ижтимоий меъёрларда кўрсатилган бўлса-да, у ёки у сабабларга кўра, ушбу меъёрларни баргараф этишнинг илмий стратегис хулосалари асослаб беришга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** Ўсмир, девиант, психофизиология, шахс, хулқ-атвор, жамият, ўқувчи, тарбия, муаммо, агрессия, агрессивлик, зиддият, мулоқот.

Бугунги кунда девиант хулқ-атвор муаммоси социология, психология, тиббиёт фан соҳаларнинг тадқиқот объектига айланган. Девиант хулқ-атвор асосан ижтимоий муҳитда шаклланади, ижтимоий муҳит нормалари асосида тартибга солинади. Меъёр (норма, ижтимоий норма) хулқ-атворни тартибга солади ва ижтимоий назоратни амалга оширади. Ижтимоий норма - шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворида нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Ижтимоий санкциялар - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Ижтимоий меъёр жамият бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, шахс ёки ижтимоий гуруҳ хулқ –атворини муайян ижтимоий муҳитга мослаштирувчи қоидалар мажмуидир. Ижтимоий меъёрнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда урф – одатларга оид меъёрлар шулар жумласидандир. Ижтимоий меъёрнинг афзаллиги шундаки, ёшлигиданоқ муайян меъёрга мослаштириб борилган шахслар умум томонидан қабул қилинган тамойиллар доирасидан четга чиқмайди ва бошқалардан ҳам шуни кутади. Жамият тараққий этиб борган сари ўрнатилган меъёрлар ҳам эскириб боради ва янги меъёрлар ўрнатилади. Янги меъёрларни ўрнатиш жараёни жамиятда ўрнатилган мавжуд меъёрлар доирасини кенгайтириш ва ўзлаштиришдан иборатдир.

Ижтимоий назорат вакиллари инсонлар хулқ-атворини бошқаришнинг энг муҳим воситаси бўлиб, девиант хулқ-атворнинг олдини олишда ҳам ушбу жамоаларнинг ўрни катта бўлади. Инсон тарбиясидаги энг биринчи муҳим назорат институти бу-оиладир. Фарзанд тарбиясида ва баркамол авлодни шакллантиришда соғлом оила муҳитининг ўрни каттадир. Афсуски, орамизда шундай инсонлар ҳам борки, улар жамият тараққиётига хизмат қилмасдан, балки унга тўсиқ бўлувчи меъёрдан оғиш ҳолатларини юзага келтиради. Жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш ҳолатлари социологияда “девиантлик ҳолати” ундан туғулувчи хулқ-атворни “девиант хулқ-атвор” деб номланади. Девиант хулқ-атвор-жамиятда ўрнатилган ахлоқ меъёларига мос келмайдиган инсоний

фаолият ёки ҳатти-ҳаракат, ижтимоий ҳодиса бўлиб, ёлғончилик, дангасалик, ўғирлик, ичкилик бозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозик, ўз жонига қасд қилиш ва бошқа кўплаб шу каби ҳолаларни ушбу ҳулқ-атвор хусусиятлари ҳисобланади.

Жамият ҳаётидаги содир бўлаётган турли ўзгаришлар, барча (иктисодий, ижтимоий, сиёсий, диний) тизиларга нафақат ижобий балки, сезиларли даражадаги ижтимоий-салбий таъсир қилмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида кузатлаётган иқтисодий инқироз, ижтимоий аномия, турмуш даражасидаги тафовутлар бу девиант муаммолардир. Салбий омиллар натижасида жамият аъзолари ўзларини ожиз ва хўрланган, ижтимоий лоқайд, жисмоний ва маънавий зарарланган ҳисоблашади. Девиант ҳулқ-атвор тип бу кўпинча ёшлар ҳисобланади. Ёшлар ўртасида оғиш ҳолатларига эса ота-оналарнинг ўз болаларига эътиборсизлиги, назоратсиз ва қаровсиз болаларнинг кўпайиши сабаб бўлади. Юқоридаги салбий омиллар таъсирида ёшларимизда гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, жиноятчилик каби иллатлар тобора авж олиб бормоқда. Девиант ҳулқ-атворнинг бир қанча салбий жиҳатларини эслаш лозим. Мавжуд ижтимоий нормалар жамият тарихи тараққиёти давомида ўзининг аниқ, мураккаб хусусиятига эга бўлиб, инсон фаолияти давомида ижтимоий гуруҳ, ижтимоий ташкилотларда турли узилишлар орқали шаклланиб боради. Тадбиқий ижтимоий нормалар биологик нормалардан фарқланиб ижтимоий гуруҳ ёки тизимнинг индивид ҳулқига ижтимоий ижобий ёки салбий томонга ўзгаришига нисбатан реакцияси тушунилади.

Ижтимоий норма жамият ҳаётини бошқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шахснинг ижобий ҳатти-ҳаракати учун рағбатлантириш ёки ёмон салбий ҳатти-ҳаракати учун жазо белгилаш билан ижтимоий назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий норма жамият бошқарувининг бошқа нормаларидан фарқланиб, аниқ ҳолатлар ва ягона тизимга келтирилиши билан, аниқ ижтимоий кадриятларнинг бошқариш воситаси, аниқ ижтимоий нормаларда акс этиш шаклига кўра ташқи (мисол учун, ҳуқуқий норма ҳуқуқий актларда, жамоатчилик фикри ҳулқида, анъаналарда, одатларда, диний - муқаддас манбаларда насихатларда, эстетик ижодий принципларда, жамият меъёрларида давлат ташкилотларида ва муассасаларида - қонунлар, низом) билан фарқланади. Ижтимоий норма кўпинча ижтимоий муносабатларда акс этиб (ишлаб чиқариш, ҳуқуқий, бошқарув, маънавий, идеологик), шахс шаклланишига ҳал қилувчи таъсир қилади. Ижтимоий нормаларни ўзлаштириш натижасида кундалик турмуш талаблари жамият орқали очиб берилади (синф, гуруҳ, жамоа). Шахс ҳулқи у ёки бу гуруҳ, синф, ижтимоий институт билан аълоқалари натижасида шаклланади. Ҳар бир ижтимоий норма ижозат беради, тақиқлайди, талаб қилади ёки хошиш истакларни ифодалайди. Шахс ҳаёти давомида ижтимоий меъёрлар асосида шакллантириб, ижтимоий муҳитга мослаша боради.

Шахсдги оғишнинг бир қанча омилларини кўрсатиш мумкин. Буни турли фанлар ўз йўналишларига қараб турлича тадқиқ қиладилар. Бу социологик, биологик, психологик, эволюцион, назарий психологик назарияларга бўлинади.

#### I. Биологик ёндашув.

Биологлар асосан муаммонинг мураккаб ва аҳамияти юқори туларига тўхталишни ўзларига мақсад қилиб олишганлар. Биологик назариялар девиант ҳолатларни таъқиқ қилишда девиант ҳулқ-атворнинг агрессивлик ва жиноятчилик турларини тақиқ қилишга ҳаракат қилишади. Лекин девиация муаммоси кенг кўламдаги ижтимоий муаммо ҳисобланиб, юқорида таъкидланганидек жамиятда мавжуд жамият томонидан қабул қилинмаган ҳар бир ҳаракатни ўз ичига олади. XIX иккинчи ярмида италиялик Ч. Ломброз биологик назария йўналишида дастлаб девиант ҳулқ-атвор муаммоси билан шуғулланган. Ч. Ломброз жиноятчиликнинг асосий сабаби бу ирсий-биологик омиллар деб уқтиради. Жинойи (криминал) ҳулқ-атворнинг пайдо бўлишига дастлаб об-ҳаво, табиат ва туғма омиллардан тортиб иқтисодий, маданий ва гендерларгача бўлаган ижтимоий омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин деб таъкидлайди. Кейинчалик социология ва психология фанларининг девиант ҳулқ-атвор муаммосини ўрганиш устида олиб бирилган илмий тадқиқотлари, биологик йўналишдаги назарияларнинг етарли даражада илмий асосланмагани, муаммони ҳал қилиш

чоғида фақат бир томондангина ёндашиши, тадқиқот методларининг самарасизлиги маълум бўлди.

II. Экологик ёндашув.

Ушбу ёндашув З.Фрейд нуқтаи назарига ўхшаш бўлган агрессияга эволюцион ёндашув тарафдори К.Лоренц тадқиқотларида янгича мазмун касб этди. Лоренцнинг фикрига кўра, тажовузкорлик, барча жонзотларда бўлгани каби, инсонда ҳам мавжуд бўлади. У яшаш учун кураш инстинктига асосланувчи агрессив энергия организмда узоқ вақт давомида мунтазам йиғилиб бориб, узлуксиз равишда, кўкқисдан пайдо бўлади деб ҳисоблаган. Шу тариқа, аниқ тажовузкор хатти-ҳаракат қуйидаги иккита вазифани бажариш натижасида юзага келади:

1. Жамланган тажовузкор энергиянинг миқдори.
2. Агрессияни бўшашини енгиллаштирувчи стимулларнинг мавжудлиги.

Тажовузкорлик назариясининг фундаментал тадқиқотлари айнан К.Лоренцга тегишлидир. Биринчидан, у ҳайвонлардаги ўз турдошларига нисбатан тажовузкорликни зарарли эмас, балки турнинг сақланиб қолиши учун фойдали, деб ҳисоблаган. Агрессияни турни сақланиб қолиши учун лозим бўлган табиий инстинкт сифатида англаш, унинг хавфини тушуниш имконини беради. Унинг хавфи қутилмаганда юз беришидадир. Аксарият социологлар ва психологлар ўйлаганларидек, агрессия ташқи таъсирларга боғлиқ бўлмайди. Иккинчидан, Лоренцнинг фикрига кўра, гуруҳ аъзолари бир-бирлари билан қанчалик яқин бўлсалар, қанчалик бир-бирларини тушунсалар ҳамда яхши кўрсалар, агрессия шунчалик хавфли бўлади.

Учинчидан, Лоренц тажовузкорликка қарши ижтимоийлашувнинг қуйидаги усулларини кўрсатди: алмаштириш, хужум мўлжалини ўзгартириш. Лоренц буни эволюция натижасида эришилган ажойиб ихтиро, тажовузни хавфсиз йўналишга буриб юбориш воситаси деб ёзган. Шерер ҳам, модомики агрессия инстинкт экан, уни бошқа фаолият билан алмаштириш лозим деб ҳисоблаган. Шу ўринда аъналарнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги Лоренц ғоялари диққатга сазовор. Хусусан, у ўзининг дастлабки коммуникация вазифасини ўзгартириб, янги иккита вазифани бажаришга киришади: агрессиядан сақланиш ҳамда бир тур аъзолари ичидаги алоқаларни сақлаб қолиш. Учинчи муҳим вазифаси бир турни қобик ичида сақлаб, бошқа турлардан ҳимоялаш. Бу бугунги кундаги меъёрларнинг аниқ ифодасидир. Ижтимоий меъёрлар ва аъналарнинг мустаҳкамлиги энг даҳшатли уруш – динлараро урушга олиб келиши мумкин ва бу бугунги кунда кузатилмоқда.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, бола хатти-ҳаракатларининг амалга оширилишида ундаги тақлидчанлик хусусиятининг ўрни каттадир. Боланинг бошқалар томонидан амалга оширилган тажовузкорона фаолиятни кузатиши унда шунга нисбатан тақлид қилиб кўриш истагини келтириб чиқаради. Ушбу истак таъсири натижасида ғайриқонуний ҳаракат амалга оширилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб шунини айтиш мумкинки, ёшлар онгида фаол ижобий муносабат (ҳис-туйғулар) тизимини шакллантириш ва ривожлантириш орқали тажовузкорлик (агрессия) хатти – ҳаракатларни тарбиялаш, ҳамда шахслараро муносабатлар (шунингдек, ўз-ўзига) тизимини янада юксак даражага олиб чиқиш мумкин, деб ўйлаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Юнусов А. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Социол. . фанлари номзоди дис. - Т: ЎзМУ, 2004 й.
2. Умаров Б.М. Болалар ва ўсмирлар суицидининг ёш ва ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. ... фанлари номзоди дис. - Т: ТДПИ, 1993 й.
3. Олимов Л.Я. ва бошқ. “Психодиагностика”. Ўқув қўлланма. Т.: “Турон замин зиё”. 2014 й.
4. Рахмонов Д.А. Ижтимоий хизмат. Услубий қўлланма. С.: СамДУ нашри, 2007 йил 164 бет.